



Unification of norms regulating international private labor relations: doctrinal views and national legislation

Bekzod MUSAEV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2022

Received in revised form

10 September 2022

Accepted 25 October 2022

Available online

15 November 2022

Keywords:

unification of law,
transnational labor
relations,
principle of national regime,
commentary on public
order,
lex voluntatis,
lex loci laboris.

ABSTRACT

This article examines the issues of international private legal regulation of labor relations, unification of law in this field, and modern trend in the development of a system of conflict norms. On the basis of national and international legal documents, researches of scientists, the author put forward proposals on international private-legal regulation of labor relations and unification of national law in the legislation of Uzbekistan. The article revealed that the absence of universally recognized conflict principles in the field of labor in national legislation has a negative impact on the protection of the rights and freedoms of citizens in external labor relations.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss5-pp48-57>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификация қилиш: доктринал қарашлар ва миллий қонунчилик

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ҳуқуқни унификациялаш,
трансмиллий меҳнат
муносабатлари,
миллий режим принципи,
оммавий тартиб
тўғрисидаги изоҳ,
lex voluntatis,
lex loci laboris.

Мазкур мақолада меҳнат муносабатлари, халқаро хусусий ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, ушбу соҳада ҳуқуқни унификациялаш, коллизия нормалар тизимини ишлаб чиқишнинг замонавий тенденциялари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, олимларнинг тадқиқотлари асосида Ўзбекистон қонунчилигида меҳнат муносабатларини халқаро хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш, миллий ҳуқуқни унификациялаш бўйича таклифлар илгари сурилган. Мақолада маълум бўлдики, миллий қонунчиликда меҳнат соҳасидаги

¹ Dean of Private Law Faculty of Tashkent State University of Law, Doctor in Law, Associate Professor. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: b.musaev@tsul.uz.

умумэътироф этилган коллизияларнинг принциплари мавжуд эмаслиги, ташқи меҳнат муносабатларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Унификация норм, регулирующих международные частные трудовые отношения: доктринальные взгляды и национальное законодательство

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

унификация права,
транснациональные
трудовые отношения,
принцип национального
режима,
общественный порядок,
lex voluntatis,
lex loci laboris.

В данной статье рассматриваются вопросы международно-частноправового регулирования трудовых отношений, унификации права в этой сфере, современные тенденции развития системы коллизионных норм. На основе анализа отечественных и международных правовых документов, исследований ученых, автором выдвинуты предложения по международному частноправовому регулированию трудовых отношений и унификации национального права в законодательстве Узбекистана. В статье выявлено, что отсутствие в национальном законодательстве общепризнанных коллизионных принципов в сфере труда негативно сказывается на защите прав и свобод граждан во внешних трудовых отношениях.

КИРИШ

Халқаро хусусий меҳнат муносабатлари соҳасида ҳуқуқни унификация қилишнинг аҳамиятини бир мисол билан тушунтириш мумкин. Агар давлатлараро ёки минтақавий даражада ҳуқуқ етарли даражада унификация қилинмаса, мавжуд меҳнат муносабатига оид низога нисбатан суд қайси давлатга таалуқли бўлса, ўша давлат манфаатидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳуқуқини қўллаши мумкин.

Натижада меҳнат муносабатлари иштирокчисини бир давлат ҳуқуқий ҳимоя қилишни назарда тутса, бошқаси эса уни маҳрум қилишга ёки бошқа таъсир чорани қўллашни белгилаши мумкин. Бу ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш ва тартибга солишда хилма-хиллик ёки янглишувни юзага келтиради. Яна бир ҳолатда турли юрисдикцияларда бир коллизия норма турли шаклда талқин қилиниши натижасида “нормаларни квалификация қилишда низо” [1. Б. 41.] келиб чиқиши ҳам мумкин.

Ҳозирги вақтда халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификациялашуви хавфсиз ва эркин меҳнат бозорини шакллантириш, шунингдек халқаро меҳнат стандартларини таъминлашда алоҳида муҳим масала сифатида намоён бўлмоқда.

Меҳнат миграцияси соҳасидаги ишчи кучини мобил ҳаракатланиши кўп жиҳатдан давлатлараро ҳамкорликнинг кенгайиши билан бевосита боғлиқдир. Мазкур ҳолат давлатлараро интеграциялашувнинг янги босқичига туртки бўлганлигини ҳам қайд этиш зарур.

Ушбу жараён трансчегаравий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификация қилишни таъминлаш ва давлатлар томонидан ушбу соҳани самарали ҳуқуқий тартибга солиш заруратини вужудга келтиради. Илмий

адабиётлар таҳлилига эътибор қаратсак, тадқиқ этилаётган соҳада ўтган йиллар давомида бир қатор кўзга кўринган тадқиқотлар амалга оширилганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Хорижий илмий адабиётларда унификация жараёни, унинг моҳияти ва трансмиллий ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрни каби масалалар, шуниндек ушбу институтни байналминаллашув жараёни билан ўзаро нисбати каби масалалар кенг тадқиқ қилинган.

Халқаро хусусий ҳуқуқда унификация ва байналминаллашув жараёнлари МДҲ олимлари орасида минтақавий интеграция жараёнларининг кенгайиши, ишчи кучи миграцияси, давлатлараро меҳнат миграцияси, ахборот алмашинуви соҳасидаги ҳамкорликнинг кучайиши натижасида ушбу соҳадаги тадқиқотларда ҳам ўзгаришлар сезила бошланган.

Жумладан, хусусий ҳуқуқда ахборот соҳасида давлат ҳуқуқини танлаш, ушбу соҳанинг унификация масалаларига (Н.Г.Доронина [2. Б. 27–28]), халқаро хусусий ҳуқуқни унификация қилиш жараёнида юзага келаётган муаммоларга (М.А.Цирин, Н.В.Власова, О.В.Муратова [3. Б. 17–18], Е.В.Портнова [4. Б. 115–116], А.Г.Николаенко [5. Б. 117–120], М.Л.Цой [6. Б. 26–32]), коллизия-ҳуқуқий тартибга солишга (Л.В.Кудрявцева, Е.Д.Процко) [7. Б. 125–127] бағишланган тадқиқотлар кенгайишини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, халқаро хусусий ҳуқуқда кодификация масалаларига (Н.Ю.Шлюндт, А.М.Соловьев) [8. Б. 87–90], меҳнат муносабатларини унификациясига (М.В.Егизарова) [9. Б. 117–119], Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида меҳнат соҳасидаги муаммоларга (И.В.Войтковская) [10. Б. 141] ва бошқа халқаро хусусий меҳнат муносабатларига бағишланган тадқиқотлар (Т.С.Рязьпова, К.Д.Глушкова, К.А.Разваляева [11. Б. 120–0122], А.Н.Маткалыков [12. Б. 67–79], Е.Г.Белькова [13. Б. 177–181]) олиб борилган.

Узоқ хорижий давлатлар ўтган асрда тадқиқот олиб борган вакиллари (К.Р. Berger, R. David, H. Kotz, B. Nolde, C. Schmitthoff, K.H. Nadelmann) [14] томонидан унификация жараёни давлатларнинг халқаро даражадаги универсал ўзаро ҳамкорлигининг бир элементи, деган умумий фикр илгари сурилган.

Бошқа тадқиқотчилар (A. Boggiano, C. Imhoos, Kenfack Douajni, K. Mbaye, P. Meyer) [15] эса унификация жараёнларини минтақавий ҳуқуқий тартибга солиш воситалари сифатида баҳолайдилар. Н.М. Holtzmann, K. Lipstein [16. Б. 553], A.N. Yiannopoulosлар [17. Б. 370] томонидан унификация жараёнларининг самарали амалга оширилишида халқаро ташкилот ва халқаро конвенцияларнинг роли эътироф этилган.

Замонавий ҳуқуқий тадқиқотларда ҳам унификация ва давлатлараро ҳуқуқий интеграция масалалари турли йўналишларда тадқиқ қилинганлигини қайд этиш зарур. Хусусан, трансмиллий муносабатларни тартибга солишда халқаро хусусий ҳуқуқнинг глобаллашуви (R. Wai) [18. Б. 209], халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг глобаллашувида инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари (P.R. Dubinsky) [19. Б. 211], ҳуқуқнинг унификациялашуви ва гормонлашуви (M. Gebauer) [20. Б. 19], Европа Иттифоқида хусусий ҳуқуқ унификациялашувининг самараси (G. Rühl) [21. Б. 485], меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари (Galvin, Daniel J.) [22. Б. 50–86] тадқиқ қилинганлигини кўриш мумкин.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Юқоридаги тадқиқотлар ва уларни амалга ошириш йўналишлари шуни кўрсатадики, халқаро хусусий меҳнат ҳуқуқини унификация қилиш институти бу ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни ёки турли ҳуқуқий тартиботларнинг бир ҳуқуқий тартибга солиш жараёни сифатида қўллаш ва уни келишиш билан боғлиқ мураккаб институт саналади.

“Ҳуқуқни шартномавий асосда унификациялашуви нафақат халқаро миқёсда, балки миллий даражада халқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий шакл ва воситаларини қўллашга хизмат қилмоқда” [23. Б. 101–102], деган фикрларга тўлиқ қўшилиш мумкин.

Т.А. Умаровнинг фикрича, “интеграциялашув жараёнини бошидан кечираётган мамлакатлар доирасида универсал тавсифдаги халқаро шартномаларни тузиш ва модел қонунларни қабул қилиш орқали ҳуқуқий нормаларни унификация қилишга интилиш муҳим аҳамиятга эга” [24. Б. 198].

Ушбу ҳолатга мисол сифатида миллий қонунчилик нормаларини ХМТ ва БМТнинг меҳнат соҳасидаги декларация ҳамда тавсияларига мослаштириш ёки янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқишни кўрсатиш мумкин.

Ушбу ҳолатда қайд этилган халқаро ҳуқуқий принциплар ва нормаларни амалда миллий қонунчиликка фактик жиҳатдан мослаштириш ёки сўзма-сўз киритиш орқали ёхуд хорижий давлатларда самарали қўлланилиб келинаётган ҳуқуқ нормаларини тўғридан-тўғри жорий қилиш каби усулларда намоён бўлади.

Хорижий тадқиқотчилардан Bonell Michael Joachim ўз тадқиқотида халқаро унификация жараёни аниқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда амалда қўлланилиб келинаётган миллий қонунларни алмаштириш ва миллий-ҳуқуқий тартиботлар ўртасида юзага келаётган коллизияларни бартараф қилишга йўналтирилган ягона ҳуқуқий нормалар тизимини яратишга қаратилган барча ҳаракатларни қамраб олади [25. Б. 4].

Мазкур позиция Walter Joseph Kamba томонидан ҳам қўллаб-қувватланган бўлиб, у халқаро унификацияни “ўзаро зид келаётган ҳуқуқий тартиботларни ўзгартиришга йўналтирилган жараён ёки ягона ҳуқуқий тартибга солишни таъминлашга қаратилган норма” [26. Б. 485] сифатида тавсифлайди.

Г.М. Вельяминов иккинчи нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди ва унификацияни “бир хил ҳуқуқий нормаларни (моддий, процессуал, коллизия) турли давлатлар томонидан қўллаш ва ушбу жараённи келишиш” [27. Б. 130], деб тавсифлайди.

Юқорида мутахассислар томонидан билдирилган нуқтаи назарларни умумлаштириб қуйидаги дастлабки хулосаларни кўриб чиқиш мумкин:

Биринчи, унификация жараёни халқаро оммавий ва хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишининг ҳосиласидир;

Иккинчи, унификация жараёни ўз ичига давлатлараро икки тарафлама ва кўп тарафлама минтақавий ҳамда универсал қамровга эга бўлиб, ушбу қамровнинг даражасидан келиб чиққан ҳолда унификациянинг хусусиятларини ажратиш мумкин;

Учинчи, унификация институти замонавий ҳуқуқ ижодкорлигининг натижаси бўлиб, унинг натижасида ишлаб чиқилган нормаларнинг миллий ҳуқуқий нормалардан устунлиги принципи, унификацияни давлат усти ҳуқуқ ижодкорлик жараёни эканлигидан далолат беради.

Мазкур учинчи хулосанинг келиб чиқишига сабаб, ҳар қандай унификация фаолиятининг натижасида қоида тариқасида янги ҳуқуқий нормалар шаклланиб, улар миллий ва халқаро муносабатларда давлатларнинг ички қонунчилигидан устун мавқега эга бўлади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

Унификациялашган нормаларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиниши ҳар доим ҳам осон кечмайди. Ушбу соҳада бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Илмий доктринада ушбу соҳада тадқиқотчилар томонидан ҳам бир қатор муаммолар илгари сурилади.

Хусусан, Rodolfo Sacsonинг фикрича, кўпчилик ҳолатларда унификация жараёнидаги муаммолар унификациялашган нормаларни ишлаб чиқишда эмас, балки уларни миллий қонунчиликка бир хилда жорий қилиш ва амалга киритиш вақтида юзага келади [28. Б. 171–189]. Ушбу фикрга яқин ёндашув Arthur Rosett томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг фикрича “халқаро даражада бир хил ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши ҳар доим ҳам уларнинг миллий ҳуқуқий тизимда самарали амалга оширилишига хизмат қилмаслиги мумкин” [29. Б. 683].

Roderick Munday фикрича, “халқаро давлатлараро унификациянинг асосий манбаси саналган халқаро келишувларнинг бош вазифаси ягона ҳуқуқий тартибга солиш тизimini жорий қилиш бўлса-да, лекин унификациялашган нормаларни бир хилда давлатлар томонидан татбиқ қилинишини ҳеч ким кафолатлай олмайди” [30. Б. 450]. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай унификациялашган нормаларни талқин қилиш ва миллий давлат амалиётига татбиқ қилинишида ҳар бир мамлакатнинг маҳаллий хусусиятларини инобатга олмасликнинг имкони йўқ.

Бундан ташқари, ҳар бир давлатнинг ҳуқуқни қўлловчи органлари ўз ҳуқуқий билими ва тажрибасидан келиб чиқиб, айтиб бериш турли тушуниш, қўллаш амалиёти давом этар экан, халқаро даражада унификация жараёнини барқарор шаклда жорий қилиш имконияти мавжуд эмас.

Хорижий тадқиқотчилар томонидан ушбу соҳадаги “нормаларни ишлаб чиқиш ва бир хил жорий қилиш бўйича сарфланган маблағларнинг номуносивилиги соҳасидаги муаммолар” [31. Б. 11–12] ҳам қайд этилган.

Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги асос бўлувчи кўпчилик халқаро нормалар бевосита БМТ ташаббуси билан қабул қилинган. Жумладан, 1948 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, 1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ва “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактлар каби универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар фикримизни тасдиқлайди.

Мазкур универсал халқаро ҳужжатларда ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш ва эркин иш жойини танлаш ҳуқуқи, адолатли меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқи, ҳеч қандай камситишларсиз бошқалар билан тенг равишда меҳнатга ҳақ олиш, ўз ҳуқуқларини суд ёки бошқа органлар орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи каби ғоялар илк маротаба мустаҳкамланган.

2020 йил 1 май ҳолатига ХМТ томонидан 190 та конвенция ва 202 та тавсиялар қабул қилинган. Ушбу маълумот ҳам ХМТни меҳнат муносабатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш ва ушбу соҳадаги нормаларни унификация қилиш соҳасида олиб бораётган улкан ишларидан дарак беради. ХМТ

конвенцияларида мустаҳкамланган халқаро меҳнат нормалари халқаро даражадаги стандартларни миллий қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш учун “ҳуқуқий фундамент” саналади, десак хато қилмаган бўламиз.

Халқаро универсал даражада қабул қилинган конвенцияларда ҳам “меҳнаткаш-мигрант” тушунчаси унификация қилиш масаласида бир хил ёндашув мавжуд эмас. Жумладан, БМТ томонидан қабул қилинган конвенцияларда “меҳнаткаш-мигрантлар” тушунчасига берилган таъриф ХМТ томонидан қабул қилинган конвенцияларга қараганда кенгроқлиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, БМТ конвенцияларида меҳнаткаш-мигрантнинг оила аъзоси тушунчасига ҳам аниқ ҳамда кенгроқ таъриф берилган. Хусусан, БМТ конвенциясида берилган таърифга кўра меҳнаткаш-мигрантнинг оила аъзоларига нафақат расмий никоҳда бўлган шахслар, балки қўлланиладиган ҳуқуққа биноан меҳнаткаш-мигрант билан никоҳга тенглаштириш мумкин бўлган муносабатларда бўлган шахслар ҳам киритилади [32].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Бош Ассамблеянинг 1990 йил 18 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенциянинг 2-моддасида “меҳнаткаш-мигрант деганда ўз фуқароси саналмаган давлатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланаётган, шуғулланган ёки шуғулланадиган шахс тушунилади” [33. Б. 121–123], деб белгиланган.

Бизнинг фикримизча, ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатда берилган тушунча “меҳнаткаш-мигрант” тушунчасининг барча ҳуқуқий белгиларини, шунингдек, уни виртуал тарзда ташкил қилинишини инобатга олмаган.

Шу муносабат билан мазкур таърифни қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ: *“Меҳнаткаш-мигрант бу – ўз фуқароси саналган давлатдан ёки доимий яшовчи бошқа давлатдан фуқароси ҳисобланмаган бошқа давлат ҳудудига ишга жойлашиш мақсадида ушбу давлатнинг ички қонун ҳужжатлари ёхуд халқаро шартномаларга мувофиқ вақтинчалик кўчиб ўтган ёки виртуал шаклда меҳнат қилаётган фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс”*.

Меҳнат миграциясини ҳуқуқий тартибга солувчи халқаро универсал ҳужжатлар устида олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда меҳнат миграциясини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор тизимли муаммолар ҳали-ҳануз сақланиб қолинмоқда.

Айниқса, халқаро меҳнат муносабатларига тааллуқли бўлган ҳаммага маъқул бўлган коллизия нормаларни ўзида акс эттирувчи универсал характердаги кўп томонлама шартномаларнинг мавжуд эмаслигида янада кўпроқ акс этмоқда.

Юқоридаги тадқиқотлар давлатларнинг амалиётидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш мумкинки, ҳуқуқ нормаларининг байналминаллашуви ҳуқуқдаги коллизияларни ҳал қилиш имконига эга эмас, бунга сабаб унинг якуний натижасида давлатларнинг ҳуқуқий нормалари бирхиллашувига олиб келмайди. Унификация жараёнида эса бир хил ҳуқуқий нормаларни турли давлатлар томонидан қабул қилиниши натижасида ҳуқуқ нормаларининг коллизиясини тўлиқ ҳал қилиш имконияти яратилади.

Че эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини унификация қилиш соҳасини тадқиқ қилиш, ушбу жараёнда тарихий ривожланишнинг ўзига хослигини ҳисобга олмасликни имкони йўқ. Меҳнат муносабатларининг ўзига хослиги ушбу жараёнда ходим марказий ўринда туриши билан ажралиб туради.

Узоқ йиллар давомида ходимнинг ҳуқуқий мақоми чекланган бўлиб, меҳнат соҳасида ягона ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, айниқса трансмиллий меҳнатни тартибга солиш имкони бўлмаган. Ушбу жараёнларнинг кенг миқёсида тарқалиши меҳнат соҳасида халқаро ташкилотлар ўрнининг ошиши билан боғлиқдир.

Дастлабки даврларда миллий давлатларнинг меҳнат соҳасидаги қонунчилиги ходимларга, айниқса чет эл фуқароси саналган ходимларга тақдим этилган ҳуқуқ ва кафолатлар даражасига кўра бир-биридан жиддий фарқланган. Меҳнат миграция жараёнларининг кенгайиши натижасида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини унификация қилишнинг асосий йўналиши сифатида давлатлараро халқаро ҳамкорлик намоён бўла бошлади.

ХУЛОСАЛАР

Юқорида қайд этиб ўтилган халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасини унификация қилишга бағишланган тадқиқотларга эътибор қаратсак, уларда меҳнат соҳасида халқаро даражадаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларни унификация қилиш масалаларига эътибор қаратилмаган.

Халқаро меҳнат ҳуқуқи соҳасида миллий режим принципи коллизия нормаларни унификация қилишда ўз аҳамиятига эга. Миллий режим принципнинг ривожланиш тарихи ўрта асрлардан бошланган бўлиб, бугунги кунда ушбу соҳадаги энг муҳим халқаро хусусий ҳуқуқ тамойилларидан бири саналади.

Бизнингча, трансмиллий муносабатларни миллий режим асосида тартибга солиш зарурати давлатларнинг ҳуқуқ нормаларини ўзаро яқинлаштириш ва унификация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунинг учун ўзароликнинг асосий шарт сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида миллий режим принципнинг татбиқ қилинишига ўзаролик принципнинг мавжудлиги зарурий шарт сифатида белгилаб берилмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар” [34], деб белгилаб қўйилган. Тўғри, ушбу конституциявий норма чет эл фуқароларини миллий фуқаролар билан тенглигини тан олиш ҳақида қонидани белгилаб бермаган бўлса-да, лекин уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда халқаро ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаб қўйган.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчи, халқаро хусусий меҳнат муносабатлари соҳасида минтақавий ва халқаро нормаларни унификация қилиш бошқа ўхшаш ҳуқуқий воситалар билан боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий нормаларни минтақа ёки халқаро даражада бирхиллаштиришга қаратилади. Натижада турли давлатлар қонунчилигида ўхшаш ижтимоий муносабатларни ҳал қилувчи ягона ёндашув шаклланади.

Универсал ҳужжатларни таҳлили натижасида шунга амин бўлиш мумкинки, улар фақатгина моддий характердаги нормаларни ўзида қамраб олган. Шунинг афсус билан қайд этиш зарурки, бугунги кунда халқаро меҳнат муносабатларини унификациялашган коллизия нормалар асосида универсал даражада тартибга солишга қаратилган бирорта халқаро ҳужжат қабул қилинмаган.

Иккинчи, келгусида халқаро хусусий меҳнат муносабатларини унификация қилиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши зарур: ягона ҳуқуқий тушунчаларни белгилаш; миллий ҳуқуқий нормалар ўрнини эгалловчи халқаро ҳуқуқий унификациялашган ҳужжатларни қабул қилиш; трансмиллий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи унификациялашган нормаларнинг ишлаб чиқирилишини таъминлашга қаратилган интеграциялашган минтақий ташкилотлар ҳузурида ихтисослаштирилган ички органларнинг тузилиши; тўғридан-тўғри унификация қилувчи комплекс коллизия нормаларни яратиш талаб қилинади.

Учинчи, ўрганилган илмий доктриналар ва миллий амалиёт халқаро хусусий меҳнат муносабатларини тартибга солишда минтақавий ва универсал даражада меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификация қилиш бўйича ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Тўртинчи, ХМТ томонидан қабул қилинган бир қатор муҳим конвенция ва тавсияларни таҳлил қилган ҳолда, мазкур ташкилот томонидан бугунги кунда чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларини унификация қилишга қаратилган коллизия тамойилларни ишлаб чиқишга етарлича эътибор қаратилмаган, деган хулосага келинди.

Бешинчи, бугунги кунда БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, минтақавий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам меҳнат миграцияси, халқаро меҳнат миграцияси, виртуал меҳнат миграцияси, меҳнаткаш-мигрант тушунчаларига ягона таъриф берилмаган. Уларни тушуниш борасида ҳали-ҳануз ягона халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда тўхтам йўқлиги эса ажабланарли ҳолат.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шестерякова И.В. Коллизиянные нормы и международные трудовые отношения / под ред. Н.И. Матузова // Н.И. Матузова. Саратов. – 2007. – С. 41.
2. Доронина Н.Г., 2015. Диффузия в праве как направление унификации международного частного права: к вопросу об объекте информационного права вопросы международного частного права: диффузия в праве. Журнал российского права, (5 (221)).
3. Цирина М.А., Власова Н.В., Муратова О.В. Проблемы унификации международного частного права в современном мире. Журнал российского права. 2014 (3 (207)).
4. Портнова Е.В. Некоторые проблемы унификации международного частного права в современном мире. Наука. Общество. Государство. 2016;4 (2 (14)).
5. Николаенко А.Г., Казановская Ю.А. Унификация международного частного права. InАктуальные проблемы конституционного и международного права 2018 (PP. 117–120).
6. Цой М.Л. О вопросе унификации норм международного частного права. InПраво: история, теория, практика 2018 (PP. 26-32).
7. Кудрявцева Л.В., Процко Е.Д. Коллизияльный метод правового регулирования в международном частном праве. InНаука в современном информационном обществе 2018 (PP. 125–127).
8. Шлюндт Н.Ю., Соловьев А.М. Процессы кодификации и унификации в сфере международного частного права // Закон и право. – 2015. – №. 10. – С. 87–90.

9. Егиазарова М.В. Унификация норм, регулирующих трудовые отношения в международном частном праве: дис. – М.: Моск. гос. ин-т междунар. отношений, 2017, 2017.

10. Войтковская И.В. Проблемы трудового неравенства в Евразийском экономическом союзе. *Russian Juridical Journal / Rossijskij Juridiceskij Zurnal*. 2019 Nov 1;129(6).

11. Рязяпова Т.С., Глушкова К.Д., Разваляева К.А. Особенности трудовых отношений в международном частном праве // *Современные социально-экономические процессы: проблемы, закономерности, перспективы*. – 2018. – С. 120–122.

12. Маткалыков А.Н. Трансграничные трудовые отношения на постсоветском пространстве. Актуальные вопросы экономики, управления и права: сборник научных трудов (ежегодник). 2017(4):67–79.

13. Белькова Е.Г. Применимое право к договору на выполнение научно-исследовательских работ. Проблемы современного законодательства России и зарубежных стран 2018 (PP. 177–181).

14. Berger K. P. The creeping codification of the new Lex mercatoria. – Kluwer Law International BV, 2010; David, René. The international unification of private law. JCB Mohr (Paul Siebeck), 1971. David, René. Le droit du commerce international: réflexions d'un comparatiste sur le droit international privé. Vol. 13. Economica, 1987.; David R., Methods of Unification, *Am J Comp Law*, 1968, p. 13; H. Kotz, Unification and Harmonization of Laws, *Encyclopedia of Public International Law*, North-Holland, 2000, p. 1013; Nolde B. La codification du droit international privé // *Recueil des Cours de l'Academie de droit international de la Haye*. Tome 56, 1936-IV. Paris. Sirey, 1963; Schmitthoff C. The Unification of the Law of International Trade // *The Journal of Business Law*. 1968. April. P. 105-106.; Nadelmann, K.H., Conflicts between Regional and International Work on Unification of Rules of Choice of Law. *Harv. Int'l LJ*, 15, 1974. – P. 213.

15. Boggiano, Antonio. "The experience of Latin American states." In *UNIDROIT. International Uniform Law in Practice: Acts and Proceedings of the 3rd Congress on Private Law held by the International Institute for the Unification of Private Law (Rome 7-10 September 1997)*. New York: Oceana, pp. 28-47. 1988; Imhoos, C. and Douajni, K.G., *Le Reglement D'Arbitrage de la Cour Commune De Justice et D'Arbitrage Ohada*. *Int'l Bus. LJ*, 1999. p.825; M'baye, K., L'harmonisation du droit privé et du droit international privé en matière commerciale dans les états de l'afrique occidentale, equatoriale et orientale. *Africa*, 1971pp.139-156.; Meyer, P., Uniform Act on the Arbitration Law:(Organization for the Harmonization of Business Law in Africa). *International Business Law Journal*, 1999. – PP. 629–652.

16. Holtzmann H.M. Key Factors for the Success of Uniform International Commercial Legal Texts // *Etudes de droit international en l'honneur de Pierre Lalive*. Bale/Francfort-sur-Main: Helbrung & Lichtenhahn, 1993; Lipstein, K., One hundred years of Hague conferences on private international law. *International & Comparative Law Quarterly*, 42(3), 1993. – PP. 553–653.

17. Yiannopoulos, A.N., The Unification of Private Maritime Law by International Conventions. *Law & Contemp. Probs.*, 30, 1965.p.370.

18. Wai, R. Transnational liftoff and juridical touchdown: the regulatory function of private international law in an era of globalization. *Colum. J. Transnat'l L.*, 40, 2001.p.209.

19. Dubinsky, P.R., Human Rights Law Meets Private Law Harmonization: The Coming Conflict. *Yale J. Int'l L.*, 30, 2005. p.211.

20. Gebauer M. "Unification and Harmonization of Laws." Max Planck Encyclopedia of international law] < <http://opil.ouplaw.com/home/EPIL>> accessed 19 (2013).

21. Rühl, G., Who's Afraid of Comparative Law? The (Side) Effects of Unification of Private International Law in Europe. *European Review of Private Law*, 25(3), 2017. – PP. 485–521.

22. Galvin, Daniel J. "From labor law to employment law: The changing politics of workers' rights." *Studies in American Political Development* 33, no. 1. 2019. pp.50-86.

23. Дмитриева Г.К., Луткова О.В. Международное частное право: Учебник / Отв. ред. ГК Дмитриева. – 2010. – С. 101–102.

24. Т.А. Умаров. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати. 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ. Юридик фанлар доктори илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент: 2005 йил. – Б. 198.

25. Bonell, Michael Joachim. Un «codice» internazionale del diritto dei contratti. I principi Unidroit dei contratti commerciali internazionali. Giuffrè Editore, 2006. – PP. 530–535.; GENERAL, U.D.D.E., Uniform Law Bibliography Bibliographie de droit uniforme. *Uniform Law Review*, 1, 1997. p.4.

26. Kamba W.J., 1974. Comparative law: A theoretical framework. *International & Comparative Law Quarterly*, 23(3), – PP. 485–519.

27. Вельяминов Г.М. О понятиях международного частного права, правовой унификации и права в целом // *Закон*. – 2013. – №. 12. – С. 130–138.

28. R. Sacco, Diversity and Uniformity in the Law. *The American Journal of Comparative Law*, 49(2), 2001. – PP. 171–189.

29. Rosett A. Unification, harmonization, restatement, codification, and reform in international commercial law // *Am. j. Comp. L.* – 1992. – Т. 40. – С. 683.

30. Munday R.J.C. The uniform interpretation of international conventions // *International & Comparative Law Quarterly*. – 1978. – Т. 27. – №. 2. – С. 450–459.

31. Voogsgeerd, Herman. "Rethinking scope and purpose of national labour law because of developments in EU labour law?." LLRN conference on Labour Law en Barcelona (Junio de 2013). Disponible en: http://www.upf.edu/gredtiss/_pdf/2013-LLRNConf_Voogsgeerd.pdf. 2013. – С. 11–12.

32. “Меҳнаткаш-мигрантлар” ва уларнинг ҳуқуқий мақомига оид таҳлиллар билан батафсил танишиш учун ўтказилган қуйидаги монографик тадқиқотга қаранг: Б.Мусаев. Меҳнат муносабатларини халқаро хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. Монография. – Тошкент : ТДЮУ, 2017. – 300 б.

33. Федорова Т.А. «Правовой статус трудящихся-мигрантов в международном праве» Актуальные проблемы совершенствования законодательства и право применения. 2020.

34. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда.